Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 23 апрель, чоршанба • № 32 (10.910) • Эркин нархда сотилади

## ОМИЛЛАР НАТИЖАСИ

***Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида 21 апрель куни қора ва рангли металлар парчалари ва чиқитларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топшириш масалаларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, республика комиссиясининг раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

Мажлисда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Йилнинг биринчи чорагида металл парчалари тайёрлаш ишларининг якуни, яқин вақтдаги ва келажакдаги вазифалар кўриб чиқилди.

Йилнинг биринчи чорагида қора металлар парчалари тайёрлашнинг режалаштирилган ҳажми 113 фоиз, рангли металлар парчалари ва чиқитлари тайёрлаш ҳажми 104 фоиз бажарилгани айтилди. Бу эса, Бекобод металлургларининг бир неча ой давомида барқарор ишлашини таъминлайди, бинобарин, «Ўзметкомбинат» республика қурилишлари ва корхоналарини ўз маҳсулотлари билан аввалгидек барқарор таъминлаб туради. Белгиланган режаларнинг бажарилгани жойлардаги саъй-ҳаракатлар билан, металл парчалари тайёрлаш нархини ошириш ва мукофотлаш тўғрисидаги янги қоида жорий этилгани билан боғлиқлиги таъкидланди.

Иккиламчи металл хомашёсини тайёрлаш давлат иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси эканини, бу ишни жадал суръатлар билан ташкил этиш зарурлигини ҳар бир раҳбарга етказиш тавсия этилди. Айни пайтда металл парчаларини кўплаб топширувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда бу вазифанинг муҳимлигини англаб етмаётган ношуд раҳбарларга нисбатан қаттиқ таъсир чораларини кўриш зарур.

Комиссия мажлисида Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев иштирок этди.

*(ЎзА).*

*Баҳор юмушлари*

## НИҲОЛЛАР КУН САНАЙДИ...

***Вилоят деҳқонлари ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб баҳорги дала ишларини қизитмоқдалар. Шу кунларда далаларда 1234 та сеялка ишламоқда. Улар билан 88 минг гектар майдонга барака уруғи қадаб бўлинди.***

— Бу йилги чигит экишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уруғлик ташланган майдон бир йўла ўғитланмоқда, гербицидлар сепилмоқда. Ҳамма жойда бунга беистисно амал қилиняпти, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг етакчи мутахассиси Турсунбой Комилов. — 42 минг гектардан кўпроқ майдонга туксизлантирилган чигит экилди. Оққўрғон тумани хўжаликлари 14,7 минг гектар ерда экишни тўлиқ тугалладилар. Чиноз, Янгийўл, Бекобод, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида ҳам охирги гектарларга уруғ қадаляпти. Эрта экилган майдонларда эса чигит текис униб чиқди. Муҳими — уруғ ернинг табиий намида ундириб олинаётир.

**— Андижонча усулда чигит экиш қандай боряпти?**

— Вилоятимизда бу йил 12 минг гектарга пленка остига чигит экиш режалаштирилган. Шу кунгача экилгани эса 8,5 минг гектар. Чинозлик деҳқонлар 840 гектар ерда шу усулда чигит экишни вилоятда биринчи бўлиб тугаллаб ниҳоллар парваришига киришдилар.

Баҳорнинг ҳар бир қуёшли куни ғанимат. Аммо Пискент ва Бўка тумани хўжаликларида ана шу дамлар самарасиз ўтаётгани ташвиш туғдиряпти. Негаки, Пискентда режа бўйича пахтага ажратилган 10,6 минг гектар майдоннинг эндигина 5,8 минг гектарида, Бўкада эса 10,8 минг гектарида экиш ишлари бажарилди. Пленка остига чигит экиш ҳам суст боряпти. Иккала туманда кўпгина сеялкалар ишламаётир, уларнинг иш унуми паст.

**— Об-ҳаво беқарор бўлган ҳозирги кунларда деҳқонларга берадиган маслаҳатингиз?**

— Ер етилиши билан бир-икки соат бўлса ҳам сеялкаларни дарҳол далага киритиб, кўпроқ ерларга чигитни экиб олиш лозим. Бу — биринчиси. Яна бир маслаҳат шуки, экиб бўлинган ҳамда уруғ униб чиққан жойларда қатқалоқ бўлишига йўл қўймай, техника ва қўл кучи билан тупроқнинг устки қатламини пешма-пеш юмшатиш даркор. Токи чигит бўғилиб қолмасин, тупроқ қотиб, ниҳолларнинг илдизини қисиб қўймасин.

*Рафиқ ТУРСУНОВ.*

*Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан*

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР СИЗНИНГ ИХТИЁРИНГИЗДА

***ШУ йил 17 апрель куни кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши Янгийўл туманида мазкур тармоқни рағбатлантириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш ўтказди.***

***Анжуманни Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев очди.***

***Семинар-кенгашда Республика Бош вазири ўринбосари, мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг муовини В. Чжен нутқ сўзлади.***

Мазкур кенгашда Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри тадбиркорларидан ташқари, республика вилоятларининг тадбиркорлар палаталари вакиллари, тадбиркорлик бўйича ҳудудий комиссиялар, республика ҳамда вилоятлар иқтисодий, банк муассасалари, хорижий мамлакатларнинг тадбиркорликни ривожлантиришга дахлдор ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этдилар.

Мулоқотлар жараёнида В. Чжен Республикамизда чет эл сармояларидан оқилона фойдаланаётган кичик ва хусусий корхоналар кўпайиб бораётганлиги ҳақида тўхталиб, бундан буён мазкур соҳани янада ривожлантириш учун 500 миллион доллар ҳажмидаги хорижий сармоялар манбаи мавжудлиги, уни жалб этишни кўзлаб, истиқболли лойиҳаларни тезлаштириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Нотиқ амалга оширилган бир қатор ишларга қарамай, ҳали вилоятларда бундай лойиҳаларни республика синов комиссияларига тақдим этиш суст бораётганлиги, бу борада ҳамон тўраларча иш юритиш, тўсқинликлар мавжудлигини қайд қилди. Баъзи ҳудудий комиссия раҳбарлари ҳали маромига етмаган, пухта ишланмаган лойиҳаларни шошма-шошарлик билан тақдим қилишга йўл қўймоқдалар. Айрим лойиҳаларни тайёрлашда эса ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг тақдири ҳақида ўйланмаётир.

Семинар-кенгашда хорижий сармояларни жалб қилиш йўл-йўриқлари, лойиҳалар тайёрлашда маҳаллий хом ашёни ҳисобга олиш, кредит учун расмийлаштириладиган ҳужжатлар, қарзларни қачон, қанча фоизда тўлаш ҳақида ҳам гап борди.

Анжуманда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Марказий Осиё-Америка фонди, «Ўзинвест» компанияси, Халқаро молиявий корпорация вакилларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш дастури, шунингдек, Германия тараққиёт агентлигининг кредитларидан фойдаланиш самарадорлиги мавзуидаги маърузалар тингланди. Айни пайтда «Асакабанк» бошқаруви, Республика тадбиркорликни ривожлантиришга дахлдор компаниялар масъул ходимлари рағбатлантириш бўйича ўз муассасалари фаолиятига оид тартиблар тизими ҳақида йиғилганларга гапириб бердилар.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредити асосида муваффақиятли иш юритаётган тумандаги «Микрель» Ўзбекистон — Россия — Белоруссия қўшма корхонаси тажрибаси билан танишдилар. «Ўзинвест» компанияси ва Ўзбекистон миллий банки вакиллари улар билан «Кичик ва хусусий тадбиркорликда сармоявий лойиҳалар» мавзуида суҳбат ўтказдилар.

Семинар-кенгашда бир қатор тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга банк муассасалари, корпорациялар раҳбарлари, хорижий мутахассислардан жавоблар олдилар.

## ТЕКШИРИШЛАР РЕЖАЛИ БЎЛАДИ

***Республика Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бугунги кунда қандай ижросини топмоқда? Иш жараёнида муаммолар туғилмаяптими? Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармасида ўтказилган семинар-йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди.***

*Фармон ва ижро*

Шу йил 1-чораги якунлари бўйича аниқланишича, вилоятда режадагидан 40 та ошиқча текширув ўтказилган. Ҳолбуки, ҳар қандай идора текширув ўтказиш юзасидан давлат солиқ назоратига сўровнома юбориб мувофиқлаштириш кенгашидан рухсат олибгина иш бошлаши зарур. Умуман олганда республикамизнинг бошқа вилоятларига нисбатан Тошкент вилоятида жуда кам миқдорда режасиз текширувлар олиб борилган.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган 8 хил озиқ-овқат маҳсулотлари, дебитор-кредитор қарздорлик, касса интизоми юзасидан эса режасиз, доимий текширув юритилиши таъкидланди. Семинарда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Мавлуда Комилова қатнашчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

*Тўлқин ИБРОҲИМОВ.*

●Ўктам Фармонов бошлиқ бригада Оққўрғон туманидаги «Озод» жамоа хўжалигида биринчи бўлиб плёнка остига чигит экишни тугаллаган эди. Барча майдонларда уруғ текис униб чиқди. Бригада ниҳоллар парваришини бошлаб юборди. Суратда: бригада бошлиғи Ўктам Фармонов, туман қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилоти раҳбари Отажон Ортиқов ва бригада аъзоси Саидазим Маҳанов.

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

*воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

### ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЙЛАРИГА

Наврўз азалдан меҳр-мурувват, олижаноблик, хайрли тадбирларга бой байрамдир. Шу кунларда вилоятимиз ва пойтахтимизнинг бир қатор корхоналари, фуқаролари саховатпешалик кўрсатишда давом этишмоқда. Жумладан, Янгийўл пойафзал фабрикаси 23-болалар ва кичкинтойлар уйи учун 500 жуфт пойафзал туҳфа қилди. «ПресТИЖ» газетаси эса 108-болалар боғчаси учун 7 минг сўмлик ёзув қуроллари олиб берди. Ҳамза тумани ҳокимлиги 30-болалар уйи учун телевизор совға қилди. Манзарали боғдорчилик ширкат хўжалиги шу болалар уйининг дала ховлисига ўтказиш учун 600 туп кўчат етказиб берди.

*(Ўз мухбиримиз).*

### ЧИРЧИҚЛИК ТАДБИРКОР

***Чирчиқ шаҳрида тадбиркорлар кўп. Аммо улар орасида Шавкат Йўлдошев вилоятдагина эмас, бутун мамлакатда таниқли бўлиб қолди.***

Унинг «Мутахассис» номли хусусий корхонаси бугунги кунда фақат тайёр эҳтиёт қисмлар сотиш билан шуғулланибгина қолмай, электр, сантехника, уй жиҳозларини таъмирлаш ва тиклаш билан ҳам шуғулланаяпти. Эндиликда Энергетика, Пахта тозалаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Машинасозлик вазирликларининг саноат тизимлари, Тошкент, Хоразм, Навоий, Бухоро, Қорақалпоғистон ва бошқа ҳудудларнинг бир қатор хусусий корхоналари «Мутахассис»нинг буюртмачилари ҳисобланадилар.

Ҳозир хусусий бош корхонада 15 киши, унинг қуйи бўғинларида эса 150 киши ишлаяпти. Ходимларнинг ўртача ойлиги 5-6 минг сўм. Хайрия юмушлари ҳам Шавкат Йўлдошевнинг кундалик фаолиятидан муҳим ўрин олган. Унинг корхонаси шаҳар масжиди ва черковини тиклашга 10 тонна тунука етказиб берди, касалхонани электр жиҳозлари билан таъминлади, шаҳардаги 22-ўрта мактабда эса ўқув йили мобайнида ўқувчиларнинг овқат пулини тўлаб бормоқда.

*Раҳим ҚОДИРОВ.*

### ГУЛНОРА КУЧЛИ ЭКАН...

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туман маданият уйида «Ҳамшира-97» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Уни соғлиқни сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлимлари биргаликда ўтказишди. Қизғин ўтган танловда туман марказий шифохонасининг 1-болалар юқумли касалликлари бўлими ҳамшираси Гулнора Одилова ҳамкасблари орасида энг кучли деб тан олинди. Иккинчи ўрин эса бир йўла икки ҳамкасбга, «Дўстлик» шифохонаси ҳамшираси Нафиса Аширбоева ҳамда туман туғруқхонаси ҳамшираси Асия Давлатёроваларга насиб этди. Ғолибларга совғалар топширилди.

*Л. МАНСУРОВ.*

### ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРЛАРИ КЎРИГИ

**ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармасида қўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик танлови бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлар қўғирчоқ театрлари жамоалари қатнашди. Танловда Олмалиқ шаҳар маданият бўлими қошидаги «Дракоша» қўғирчоқ театри ғолиб деб топилди. Улар 1-3 май кунлари Қўқон шаҳрида бўладиган миллий дорбозлик, анъанавий цирк санъати ва қўғирчоқ театри жамоаларининг республика кўрик танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Шунингдек, танловда қатнашган Бўка тумани маданият уйи ва Зангиота туман «Ўзгариш» қишлоқ клуби, Бекобод шаҳар қўғирчоқ театрлари ҳам ўз йўналишига ва дастурига эга эканликларини намойиш этишди.**

*Умид ТУРСУНОВ.*

### ТАЛАБАЛАР БАҲСЛАШДИЛАР

ҲАР томонлама билимли, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш давр талаби бўлиб қолди. Бу борада «Камолот» жамғармаси Қибрай тумани бўлими фаолияти ибратлидир. Туманда йил бошидан бери ёшлар маънавиятига бағишлаб турли жойларда бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Ўтган шанба куни эса туманнинг «Дўрмон» жамоа хўжалигида «Истиқлол ва талаба» мавзуида Тошкент тижорат-савдо, ўрмончилик ва сув хўжалиги, тадбиркорлик коллежлари талабалари орасида қувноқлар ва зукколар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Бу баҳсда танишув, миллий тарихимиз, мумтоз адабиётимизни билиш ҳамда саҳна кўрсатувларини намойиш этиш бўйича шартларда юқори баллар олган тижорат-савдо коллежи ғолибликни қўлга киритди.

*Саидвали ҲАСАНОВ.*

### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси эртага, 24 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 23 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва эртага, 24 апрель куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

*ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА*

### «АЁЛ ВА ЖАМИЯТ»

***Шу йилнинг 21—22 апрель кунлари юқоридаги мавзу бўйича Германиянинг «Конрад Аденауэр» фонди ҳамда Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ўқув семинари ўтказди.***

СЕМИНАРНИ «Конрад Аденауэр» фондининг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари бўйича ҳудудий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер очар экан семинарнинг асосий мақсади ва вазифалари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди.

Ушбу семинар-кенгашда аёлларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш босқичидаги ўрни, аёл раҳбарларни янги шароитда ишлашга тайёрлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фаоллигини ошириш сингари бир қатор муҳим мавзулар муҳокама этилди, фикр мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, «Конрад Аденауэр» фонди вакили Наталья Муровёва, республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Диловар Қобулова, республика Президенти девонининг масъул ходими Наталья Кургановская ва бошқаларнинг аёлларнинг жамиятдаги иштироки билан боғлиқ турли мавзудаги маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Семинар йиғилишда иштирок этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойдин Норбоева ва украиналик санъаткор Вера Мельничукларнинг санъат, маданият тўғрисидаги суҳбатлари ва ижрочилик маҳоратлари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Икки кун давом этган бу семинарда фақат маърузалар билан чекланиб қолинмади, балки аёлларга турли иш жараёнларида, раҳбарлик амалиётида ёрдам берадиган жонли мулоқотлар, фикр алмашувлар, тезкор савол-жавоблар ва ўйин-танловлар ҳам ўтказилди. Иштирокчилар Қибрай туманидаги «Машкура» хусусий қандолатчилик фабрикасида бўлиб у ерда аёлларга яратилган шароит ҳамда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг амалий натижалари билан танишдилар.

Ўйлаймизки, бундай семинарлар хотин-қизларимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ўз фаолликларини оширишда фойда беради.

### БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ
ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ
*У қандай шаклланади?*

3-БЕТ
«МЕН МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ ЭДИМ...»

4-БЕТ
Футбол майдонларида

ОЛИМ МУЛОҲАЗАЛАРИ

# ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ У қандай шаклланади

***Иқтисодиётнинг ривожи ёки инқирози мулкка эгалик шаклига боғлиқ. Зеро, давлатнинг иқтисодий тараққиёти, жамият равнақи, халқ фаровонлигини мулкдорлар таъминлайди. Шунинг учун республика Президенти қишлоқда мулкдорлар синфини тезроқ шакллантириш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда.***

***Хўш, мулкка эгалик шаклининг қайси бири бизнинг шароитимизга, яъни ўтиш даврига мос келади?***

***Бу саволга иқтисод фанлари доктори, профессор Анорбой Султонов жавоб беради.***

Мулкнинг асосий қисми давлат тасарруфида яъни жамоа мулки бўлишининг оқибатларини шўролар даврида бошдан кечирдик. Қишлоқда мулкчилик муносабатининг «бизники» ўрнини «меники» шакли эгаллаши лозимлигини мустақиллик йилларида ташкил этилган пай-ҳиссадорлик жамиятлари, оила ва ижара пудрати, деҳқон-фермер хўжаликлари эришаётган натижалар яққол кўрсатди.

Қишлоқда асосий мулк хусусийлашмагунча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самара бўлмаслигини олдиндан кўра билган юртбошимиз 1991 йилдаёқ мамлакатда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш тўғрисида фармон чиқарди, кейинчалик деҳқон-фермер хўжаликлари ҳақида қонун қабул қилинди. Бу зарур ҳужжатлар қишлоқда фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланиши ва қишлоқ мулкдорлари синфининг шаклланишига катта туртки бўлди.

Биз кўпукладли иқтисодий тараққиёт йўлидан бораяпмиз. Қишлоқда хўжалик юритишнинг давлат, жамоа, жамоа-ширкат, ижара хўжаликлари, пай-ҳиссадорлик жамиятлари, корпорациялар каби шакллари ёнма-ён амал қилмоқда. Уларнинг қайси бирини танлаш маҳаллий деҳқонларнинг ихтиёрида бўлиши, бирон-бир шаклни юқоридан тиқиштирмаслик лозим. Танланган хўжалик юритиш шаклининг мақбул ёки номақбул эканлиги бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган табиий эркин рақобат жараёнида ўз-ўзидан аён бўлади. Мақбули ривожланиб, иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб боради, номақбули эса табиий йўсинда уларга ўрнини бўшатиб беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ, Германия, Франция, Голландия каби мамлакатларда энг юқори самара билан иш юритадиган хўжалик шакли фермер хўжаликларидир. Чунки, фермер ўз ерига, мол-мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига ва ишлаб топган даромадига ўзи хўжайин. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам 20 мингдан зиёд эркин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 19 минги банкда ҳисоб-рақамига, балансига, муҳрига эга. Бундай фермерларни қишлоқ мулкдори дейиш мумкин. Демак, улар бозор муносабатлари шароитида юксак самара билан ишлашлари лозим.

Хўш, амалда қандай бўлаяпти?

Ўтган йили 1200 дан зиёд деҳқон-фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатди. Шундан 355 таси янгича шароитда хўжалик юритиш тажрибаси етарли бўлмаганлиги, иқтисодиёт асосларини яхши билмаганлиги, 84 таси маблағ ресурслари йўқлиги, 33 таси техника етишмаганлиги, 18 таси ем-хашак етиштириш учун керагича ер ажратиб берилмагани каби сабабларга кўра тарқаб кетди. Аслида бу — табиий ҳол. Негаки, ариза берган деҳқонлар кўп ҳолларда танлов асосида яъни салоҳиятига қараб эмас, балки аризасига биноан, айрим ҳолларда эса қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик ва баъзан манфаатдорлик эвазига фермер сифатида рўйхатга олинади. Баъзи давлат ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари фермерликни ихтиёр этганларга атайлаб энг унумсиз, сувсиз, ажриқ босган, тошлоқ жойлардан ер беришади. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, бундай муносабат фермерлик харакатини бўғишга, унинг бутун афзалликларини йўққа чиқаришга қаратилгандир. Кўпгина фермер хўжаликларининг оғир тўсиқларни енгиб ўтолмай, фаолиятларини бошламасданоқ дов-дастгоҳини йиғиштиришга мажбур бўлаётганининг сабаби шунда. Негаки, ҳозирги мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларини унумли ишлатиш учун экин майдонлари камида 30-40 гектар бўлиши керак. Аксарият фермерларнинг ери эса 3-5 гектар атрофида. Бундай майда майдонларга мўлжалланган мини-техника ҳали йўқ.

Яна бир муаммо. Юртбошимизнинг «Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи» китобида шундай сатрлар бор: «Туманлардаги агросаноат уюшмалари... бюрократик ташкилотга айланиб қолгани аниқ... Аслида биз бу уюшмаларни... хўжаликларга кўмак берадиган ташкилот бўлади, деб тузган эдик».

Дарҳақиқат, тажриба шуни кўрсатдики, бундай уюшма туманда ягона бўлгани учун фермерлар хоҳлайдими-йўқми, унга аъзо бўлишга ва даромадининг 2 фоизини унинг хисобига ўтказиб туришга мажбур. Бизнингча, бундай монополистик кайфиятда иш тутадиган уюшмаларга чек қўйиб, ўрнига фермерларнинг хохиш-иродасига кўра иш юритадиган уюшмалар тузиш зарур. Улар аввало, эркин ва туманда бир нечта бўлмоғи лозим. Токи, улар табиий рақобат асосида фаолият юритсинлар. Фермерлар эса ўзлари маъқул топган уюшмага ёки хоҳласалар бир вақтнинг ўзида бир нечта уюшмага аъзо бўлсинлар, шунингдек, хохлаган пайтларида ундан чиқиб кета олсинлар. Бундай уюшмалар фермер хўжаликларига яқин жойларда таъминот дўконларини очиб, қурилиш, ёнилғи-мойлаш ашёлари, ўғит ва кимёвий дорилар, шунингдек, фермерларнинг кундалик ишларида керак бўладиган бошқа мол-мақсулотлар савдосини йўлга қўйсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хуллас, фермерлик ҳаракатини равон йўлга қўйиш ва ҳорижий мамлакатлардагидек росмана фермер хўжаликларини шакллантириш учун бизнингча, ҳар бир туманда эркин фермерлар клуби ташкил этиб, улар қошида олимлар, мутахассислар, малакали фермерлар ва тажрибали деҳқонлардан иборат танлов комиссияларини тузиш лозим кўринади. Улар мутлоқ эркин бўлмоғи яъни туманлардаги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари қошида тузилмаслиги керак. Комиссия бўлажак фермерларни ҳалоллик билан танловдан ўтказиб, ёзма тавсия бериши лозим. Танловдан ўтган фермер келажакда ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот бериб, клубда аттестациядан ўтиб туриши зарур. Фермерлар шундай демократик йўл билан тарбиялаб борилса, улар орасидан ҳақиқий мулкдорларнинг етишиб чиқиши тезлашиши мумкин.

Бироқ эркин деҳқон-фермер хўжалиги қишлоқдаги мулкчиликнинг бошқа шаклларига нисбатан ҳар қанча афзал бўлмасин, ҳозир давлат ва жамоа хўжаликларини ёппасига эркин фермер хўжаликларига айлантириб юбориш айрим салбий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Масалан, шундай қилинса камида 250-300 минг фермер хўжалиги ювудга келади. Ерли бўлган деҳқонлар қишлоқдаги умумий аҳолининг 20-25 фоизига тенг бўлади. Демак, 75-80 фоиз қишлоқ аҳолиси ишсиз қолади. Чунки, қишлоқ инфраструктураси яхши ривожланганича йўқ хали. Майда, ўрта ва қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ҳам ҳозирча оз.

Бизнингча, ривожланган мамлакатлардаги каби росмана салоҳиятли фермерларни тарбиялаб етиштириш учун хозирги мавжуд жамоа, жамоа-ширкат ва ижара хўжаликларини аста-секин ёпиқ пай-ҳиссадорлик жамиятига айлантириш энг тўғри йўлдир.

Хўш, бундай жамиятнинг ички тузилиши, иш тутиши қандай бўлади ва умумий даромад қай йўсинда тақсимланади? Аввал хўжалик балансидаги ҳамма мулк қайта баҳолаб чиқилади ва ҳар бир пай-ҳиссадорнинг ана шу умумий мулкдаги улуши аниқлаб олинади. Кейин хўжалик яхлит ҳолда сақлаб қолиниб, деҳқончилик бригадалари ва чорва фермалари ўрнида пай-ҳиссадор деҳқон-фермер ва чорвадор кичик корхоналари ташкил этилади. Улар ихтиёридаги ер ва чорва моллари оилавий деҳқон ва чорвадор хўжаликларга 20-30 йил муддатга бўлиб берилади. Кичик корхона раҳбари оилавий деҳқон хўжалиги бошлиғи билан шартнома асосида ишлайди. Унинг асосий вазифаси оилавий деҳқон хўжалиги ерини хайдаш, экинига ишлов бериш, ўғит ва сув билан таъминлаш, хосилни йиғиштириб беришдан иборат.

Оилавий деҳқон ва чорвадор хўжаликлар ўзлари етиштирган хомашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришлари учун жамият марказида ёки кичик корхона қошида кичик қайта ишлаш корхонасини барпо этиш мумкин. Шунда қишлоққа саноатни олиб кириш ва ишсизликни камайтириш яъни қишлоқ хўжалигидан бўшаган ортиқча кучларни янги иш ўринлари билан таъминлаш имкониятлари кенгаяди.

Оилавий деҳқоннинг ўзи етиштирган маҳсулотига ўзи хўжайин бўлиши учун пай-ҳиссадорлик жамияти қошида ички хўжалик банки ёки молия маркази ташкил этиш мумкин. Унда ҳар бир кичик корхонанинг ҳисоб рақами очилади, ҳар бир оилавий деҳқон ва чорвадор хўжалиги учун эса алоҳида хисоб-китоб дафтари юритилади, унда ҳаражат ва даромадлар қайд этиб борилади. Дафтардаги даромад фақат оилавий деҳқон хўжалиги бошлиғининг имзоси билан тақсимланади.

Пай-ҳиссадорлик жамиятини барпо этишга киришиш яъни бригадалар ва чорва фермалари ўрнида кичик корхоналар ташкил этиш билан бир вақтда хўжаликни бошқаришнинг аввалги тизими ва ички структураси тубдан ислоҳ қилинади. Бунинг учун бошқарув аппарати қайта тузилиб, 5-10 киши қолдирилса кифоя. Уларнинг асосий вазифаси жамият таркибидаги кичик корхоналарнинг техника, эҳтиёт қисмлари, ёнилғи-мойлаш ашёлари, ўғит ва маблағга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Шу пайтгача (ҳатто жойларда ҳозир ҳам) мавжуд бўлган бош ҳосилот, бош муҳандис, бош иқтисодчи, бош бухгалтер, бош зоотехник, бош ирригатор каби ортиқча бўлинмаларни тарқатиб юбориб, улар ўрнида шартнома асосида хизмат кўрсатадиган кичик ширкатлар тузилади. Бу ширкатлар жамият таркибидаги кичик корхоналарга техника (ерни шудгорлашдан тортиб то ҳосилни йиғиштириб олгунча), зоотехник, ҳосилотлик ва иқтисодий соҳаларда хизмат кўрсатади, экинларни сув билан таъминлайди.

Таклиф этилаётган моделда оилавий деҳқон ва чорвадор хўжаликларнинг аксарияти 5-10 йил давомида катта тажриба тўплаб, иқтисодий бақувват фермерларга айланиб кетишлари мумкин. Деҳқончилик ва чорвачиликда иқтидори йўқлар олган ерларини жамиятга қайтариб бериб, шу ерда ташкил этилган қайта ишлаш ва бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга ишга ўтадилар. Шу йўсинда орадан йиллар ўтиб, табиий муҳитда ривожланиб, етилиб, сараланиб қолган оилавий деҳқон хўжаликлари эркин фермерлар мақомини оладилар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий кучга айланадилар.

Ҳозирги кунда республикадаги бир қатор хўжаликларда, хусусан, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон», «Дўстлик», Паркент туманидаги «Бойқозон», Зангиота туманидаги «Бўзсув» жамоа хўжаликларида бошқарув ва ишлаб чиқариш, хизмат тизимининг шу тариқа ислоҳ қилиниши ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Эндиликда бу борадаги ислоҳотларни янада такомиллаштириб бориш, тажрибаларни оммалаштириш пайти келди.

***А. ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.***

---

Central Asia agro food 97

«АГРОФУД—97»

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма маркази ва Олмониянинг «Фейртрейд» фирмаси ўртасидаги шартномага кўра 22—25 апрель кунлари Тошкентда «Агрофуд—97" иккинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.***

Ўтган йили «Ўзэкспомарказ» РСКМ павильонларида «Марказий Осиё тўқимачилик ва Чарм—96», «Марказий Осиё — Агрофуд—96» ва «Элком Осиё—96» халқаро кўргазмалари муваффақиятли намойиш этилган эди.

Мазкур ихтисослаштирилган кўргазмаларнинг ўтказилиши республика мутахассисларини қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги янги ютуқлар билан таништиришнинг самарали йўлларидан бири ҳисобланади.

Кўргазманинг асосий мақсади замонавий қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари, техникаси ва технологияларни намойиш этишгина бўлмай, балки амалий алоқаларни ўрнатиш ва илгари ўрнатилган алоқаларни ривожлантириш имкониятларини яратади, шунингдек, технологиялар ишлаб чиқарувчи ҳорижий шериклар билан тижорат музокараларини олиб бориш шароитини яратади.

Кеча ўз ишини бошлаган кўргазмада 25 мамлакатдан 100 дан ортиқ фирма ва компаниялар иштирок этишмоқда. Булар орасида кўплаб янгидан-янги фирмалар ҳам илк бор ўз маҳсулотларини намойиш этишади. Масалан, Тетра Пак, Нестле, Йерк интернешнл ва бошқа кўплаб фирмалар ўзларининг янги маҳсулотлари ва илғор технологияларини тавсия этиб, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун технология ва маҳсулотларини ўраб жойлаш технологияси, ўсимлик ёғи, ширинликлар, гўшт-сут маҳсулотлари, пиво, алкоголсиз ичимликлар, чой, музлатгичларини кўргазма меҳмонларига намойиш этмоқдалар.

Кўргазма доирасида бир қатор семинарлар ҳам ташкил этилади.

Умид қиламизки, ушбу кўргазма нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотади.

21 апрель куни оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ана шулар ҳақида маълумот берилди.

***Маҳмуда ИСМОИЛОВА, «Ўзэкспомарказ» ахборот бўлими бошлиғи.***
***Миржалол МИРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

---

Маънавият ва ҳаёт

## «ОБОД»ДА УЧРАШДИЛАР

***ҚИБРАЙЛИК ишчи йигит Равшан Соипов ҳиммати билан «Обод» маҳалласида қуриб битказилган кўркам гузар маҳаллани чиндан ҳам обод қилди... Икки қават қилиб қурилган мухташам бинодан бутун атроф кафтдагидек кўриниб туради. Гузарда қариялар чойхонаси, озиқ-овқат ва кийимкечак дўкони, сартарошхона, пойафзал тузатиш устахонаси жойлашган. Маҳалла қўмитасининг хонаси ҳам шу ерда. Бир сўз билан айтганда, бирор тадбир ўтказиш учун қаерга боришни билмай юрган маҳалла аҳли учун гузарнинг ишга тушиши ниҳоятда қувончли бўлди...***

Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» жамғармалари ҳамкорликда ташкил этган «Маҳалла — тарбия ўчоғи» мавзуидаги давра суҳбати ҳам мана шу янги гузарда ўтказилди. Бу ерда бугунги кун ёшларининг тадбиркорлиги, хотин-қизларнинг фаоллиги, кексаларнинг ҳар ишда бошқошлиги тарбиянинг асосини ташкил этиши ҳақида гап борди.

Давра суҳбатини «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Ё. Турсунов очди.

— Биз асрий орзуларимиз рўёбга чиқиб, мустақиллик туфайли тараққиётимизнинг янги босқичлари бошланган тарихий бир даврда яшаб, меҳнат қилмоқдамиз, — деди у. — Мана шу жонажон Ватаннинг мустаҳкам келажагини яратиш учун аввало, одамлар қалбига йўл топишимиз, ёшлар тарбияси билан изчил шуғулланишимиз, уларнинг қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат ҳислларини шакллантиришимиз лозим. Бундай масъулиятли вазифани эса маҳаллаларга ва кўпни кўрган кексаларимизга таянмай амалга ошириб бўлмайди. Чунки, маҳалла — ҳам отаона, ҳам тарбиячи, ҳам назоратчи... Тошкент вилоятининг фаол жамоатчилигини бу ерга тўплаб, бир пиёла чой устида дилдан фикрлашиб олишга қарор қилганимиз ҳам аслида шундан.

Ҳозирги шароитда ёшлар олдида турган муҳим вазифалар ва уларнинг тарбияси ҳақида маъруза қилган республика «Камолот» жамғармаси раиси Х. Адбураимов масалани атрофлича таҳлил қилди ва мавзуга оид таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Ш. Темиров, Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини С. Хўжаева, вилоят «Нуроний» жамғармасининг раиси Н. Насимов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Ш. Расулов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиевларнинг маърузаларини ҳам йиғилганлар эътибор билан тингладилар. Дарҳақиқат, маърузаларда бугунги кун учун муҳим бўлган вазифалар аниқ ва очиқ-ойдин гапирилди, тарбия масаласида йўл қўйилаётган камчиликларнинг, айниқса, содир этилаётган жиноятларнинг туб сабаблари таҳлил этилди.

Қибрайлик меҳнат фахрийси Жўра Хоназаров кексалар номидан сўз олиб, бугунги шароитда асло лоқайд яшаб бўлмаслиги, ёшлар тарбиясига бепарволик ёмон иллат эканлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, барчани ҳамжиҳатликка, фаолликка чақирди.

Давра суҳбатини Қибрай тумани ҳокими М. Кўччиев якунлади.

Шундан сўнг йиғилганлар «Обод» маҳалласида бунёд бўлган гузар қурилиши билан танишдилар, қурилишга ҳомийлик қилган «Турон» жамоа хўжалиги фаоллари ва маҳалла аҳли билан суҳбатлашдилар.

***Зарифа ЭРАЛИЕВА.***

---

---

## АНГРЕННИНГ «ҚОРА ОЛТИНИ»

***«Ангрен» кўмир ҳавзаси жамоаси 650 минг тонна ёқилғи қазиб олиб, йилнинг биринчи чорагини муваффақиятли якунлади. Айни пайтда кончилар республика халқ хўжалигига кунига саккиз минг тоннагача кўмир жўнатмоқда.***

...Кўмир қазиб чиқариш мураккаб ва машаққатли жараёндир. МДҲ давлатларида бу соҳа деярли инкирозга юз тутган, кончиларнинг узлуксиз иш ташлашлари рўй бериб турган ҳозирги пайтда Ангренда ёқилғи қазиб чиқариш бир маромда давом этаётганининг боиси нимада? Бу, аввало, мамлакатимиздаги осойишталик, қолаверса республика ҳукуматининг тармоқка ҳидий эътибор бераётгани натижасидир.

«Ангрен» кўмир ҳавзаси жуғрофий жиҳатдан мураккаб заминда жойлашган. Ёқилғи денгиз сатҳидан қарийб минг метр баландликда, икки улкан тоғ оралиғидан очиқ усулда қазиб олинади. Бошқача айтганда, бир тонна кўмир олиш учун 10-12 тонна тоғ жинсини «ўзғатиш»га тўғри келади.

— Жорий йилда кон очиш ишлари ҳажмини 32 миллион кубметрга етказиш мўлжалланмоқда, — дейди кон директори И. Тенглашев. — Бунинг учун ҳукуматимиз барча имкониятларни яратиб бермоқда.

«Ангрен» кўмир ҳавзаси кўпгина хорижий давлатлар кончилик саноати корхоналаридан ажралиб туради. Бу ерда кўмирни қазиб олиш ва ташишда бир қанча транспорт воситалари, жумладан, автомобиль, темирйўл транспорти, ҳатто сувдан ҳам фойдаланилади. Қудратли одимловчи экскаваторлар эса тоғ жинсларини ўн олти метр чуқурликдан йигирма метр баландликка кўтариб беради.

Ангренлик кончилар ҳавзадан фақат кўмир қазиб олиш билангина чекланиб қолмаяпти. Эндиликда каолин, оҳактош, кварц қумларини ҳам қайта ишлаш корхоналарига жўнатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Гап шундаки, бугунги кунда ҳавзада шундай хомашё кўп миқдорда тўпланиб қолган. Шу боис, ҳозир Туркия билан ҳамкорликда йилига 400 минг тонна бойитилган каолин ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилаётир. Яна шундай қўшма корхоналар қуриш бўйича бошқа хорижий компаниялар билан ҳам музокаралар олиб борилмоқда. Режалар амалга ошса, кон чиқитларини тўла қайта ишлаш, улардан кўпгина қимматли маҳсулотлар олиш, энг муҳими — атроф муҳит экологик ҳолатини яхшилаш учун шароит яратилади.

Кончилар бу муаммога алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. Чунки, шўро замонида ёқилғи олиш ҳажмини тинмай оширишга зўр бериш оқибатида 2,3 минг гектар ер ҳуда-беҳудага бузиб юборилган, талайгина боғ ва экинзорлар кон чиқитлари остида қолиб кетган эди. Эндиликда уларни боғ ва экинзорларга, дам олиш масканларига айлантириш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун корхона қошида ерни тиклаш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Натижада кейинги уч йил мобайнида қайта тикланган ерлар ҳажми 225 гектар кўпайди.

***Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.***

---

## МАКТАБНИНГ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ДАСТУРИ

Чиноз туманидаги Омонгелди номли 4-ўрта мактабда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ва соғлом қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда махсус «Соғлом авлод учун» дастури ишлаб чиқилган. Ана шу дастурга кўра аввало ўқитувчи ва ўқувчилар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Жисмоний тарбия дарсларида шу кўрик хулосалари бўйича машғулотлар олиб борилади.

Мактаб спорт зали қайта жиҳозланган бўлиб, бу ерда турли мусобақалар, қизиқарли ўйинлар уюштириш мумкин. Бундан ташқари мактабда «Кунчивоқ» дам олиш лагери ишлайди. Айни пайтда мактаб жамоаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

**Суратда: мактаб директори Қурбон Содиқов (чапда) мактаб фельдшери Мурод Тултоев (ўртада) ва муаллимлар жамоаси навбатдаги ишларни муҳокама қилишмоқда.**

***Абдужалол РАҲИМОВ тасвирга туширган.***

---

## ЭГАСИ ЎЗИНГИЗ, АХИР!

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 ноябридаги «Қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон этилишига қарши курашни кучайтиришнинг қўшимча чоралари» ҳақидаги қарорининг ижросини таъминлаш учун ИИБ ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда хўжалик ва туманларда бир қатор тадбирларни амалга оширдилар.***

Хўжаликларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда экинзорларни пайҳон қилиш ҳолларининг олдини олиш бўйича мунтазам рейдлар ўтказиб, отлиқ гуруҳлардан иборат ташкил қилинган 235 та кузатиш пунктлари, 360 та дала қоровуллари, 188 та отлар, 829 та милиция ходими ушбу ишга жалб этилди.

Қишлоқ жойларда, аҳоли ва хўжаликлар ҳисобидаги чорва моллари эгаларига мазкур қарорни тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай экинзорларни пайҳон этиш ҳоллари давом этмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида салкам 300 та пайҳон қилиш ҳолатлари қайд этилган эди. 1997 йилнинг уч ойида эса 235 та пайҳон этиш ҳолатларига йўл қўйилган. Экинзорлардан ушланган 551 бош қорамолнинг ҳаммаси фуқароларга тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳамон ризқ-рўзимиз — дон учун кураш сиёсатини чуқур тушунмаётган фуқароларимиз борлиги ачинарли ҳолдир.

Келинг, шу йилнинг биринчи чорагида рўй берган хўжасизлик, лоқайдлик натижаларини бир таҳлил қилиб кўрайлик: 4 март — Бекобод туманидаги «Бекобод» жамоа хўжалигида 1952 йилда туғилган, Бўка тумани «Кўкорол» жамоа хўжалигида яшовчи Абдусамат Жониқуловнинг уч бош оти бир гектар ғалла майдонини пайҳон қилган.

Жониқуловга 400 сўм жарима солиниб, келтирилган 7 минг сўм моддий зарар тўла ундириб олинган.

19 февраль — Бўка туманидан 13 та фуқаронинг 22 бош қорамоли 0,9 гектар буғдой майдонини пайҳон қилган. Келтирилган моддий зарар—36895 сўм тўла ундириб олинган. Ҳар бирига 300 сўмдан жарима солинган.

19 март — Бўка тумани Улуғбек номли жамоа хўжалигидан 1960 йилда туғилган Сайфулла Аклаевнинг икки бош қорамоли 0,3 гектар буғдой майдонини пайҳон қилиб, 5 минг сўм моддий зарар келтирган.

15 март — Оққўрғон тумани фуқароси Исатой Жумабоевнинг олти бош қорамоли «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги 2-бригадаси буғдой майдонининг 0,06 гектар ерини пайҳон қилиб, 540 сўм моддий зарар келтирган. Зарар тўла ундирилиб, 600 сўм жарима солинган.

Қарор ва ижро

6 март — Бўка туманидаги Саймоқов номли жамоа хўжалигида яшовчи, шу жамоа хўжалиги аъзоси Анвар Эралиевнинг етти бош қорамоли ҳамда Бўка тумани Жамбул қишлоғида яшовчи Султон Оқилбоевнинг саккиз бош қорамоли Сегизбоев номли давлат хўжалиги 2-бўлим 4-бригадасининг ғалла даласида 0,30 гектар майдонни пайҳон қилиб, 3180 сўм моддий зарар келтирган. Улар ҳам тегишли жазо олдилар.

Ғалла ва бошқа майдонларнинг пайҳон этилишига сабабчи бўлган бир қатор фуқароларга нисбатан нафақат моддий зарар, балки жиноий иш ҳам қўзғатилди. Жумладан, 1996 йил 10 декабрь куни Бўстонлиқ тумани Пском қишлоғида яшовчи, шу ерда фермер хўжалиги бошлиғи бўлиб ишлайдиган Мирзарайим Абдураҳмоновнинг беш бош қорамоли 0,67 гектар картошка майдонини пайҳон қилиб, 111 минг 85 сўм зарар келтирган. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 198-моддаси 3-банди билан туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилган.

1997 йил 21 январь куни Оҳангарон туманидаги «Янгиҳаёт» жамоа хўжалиги аъзосининг 11 бош қорамоли 0,46 гектар буғдой майдонини пайҳон қилиб, 20 минг 700 сўм зарар келтиргани учун унга нисбатан ҳам туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, пайҳон ҳолатига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан ҳам маъмурий чоралар кўрилмоқда. Масалан, Оққўрғон тумани «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бош агрономи Қаршибой Ортиқбоев, бригада бошлиғи Шерали Ўролов, «Қаҳрамон» жамоа хўжалигидан агроном Муродов, бригада бошлиғи Иномов, дала қоровули Абдухалиловлар пайҳон холатига йўл қўйганликлари учун жазога тортилди (ҳар бири 600 сўмдан), вилоят бўйича масъул раҳбарлардан жами 103 минг сўм жарима ундириб олинди.

Вилоятнинг барча дон экиладиган туманларида ғалланинг пайҳон этилиши олдини олишга қаратилган тадбирлар давом этмоқда. Лекин асосий мақсад — Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиб, долзарб вазифани тўла маънода тушуниши ва бу ишда лоқайдлик, бепарволик нафақат ўзига, балки давлатга ҳам анча қиммат тушишини ўйлаб кўриши лозим.

***И. ТУРСУНОВ, Тошкент вилояти ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги.***

# «МЕН МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ ЭДИМ...»

***Маънавиятимиз сарчашмалари***

***Айтадурман қулоқ солинг, муддаони,***
***Туркистонни заҳарлаган бир балони...***
***Биздан агар кўтарилса, ушбу иллат,***
***Тараққийда жавлон ургай бизнинг миллат.***
***Донос эрур ҳақиқатда бизга бало,***
***Қанча эллар донос билан бўлди адо...***

Мазкур шеърий сатрлар Фози Юнуснинг 1917 — 18-йилларда ёзиб, 20-йилларда иккинчи марта нашр этилган «Турма хотираси» китобидан олинган. Мақоламиз сарлавҳаси-ю, келтирилган сатрлар мазмуни XX аср ўзбек адабиёти, маданияти, маънавиятида муносиб ўрин олиб, бизга бой маънавий мерос қолдирган аждодларимиздан бири — Фози Юнус сиймоси ҳақида муайян бир тасаввур бера олади, дейиш мумкин...

Мустақиллигимиз даврида ўтган беш-олти йил мобайнида тарихимиз, адабий-маънавий меросларимиз, анъаналаримиз бобида тикланиб келаётган бебаҳо жараёнлар ҳақида ҳар куни ахборот воситаларидан маълумотлар олиб турамиз, уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу соҳадаги ишлар ғоят жадал суръатлар билан давом этмоқдаки, ёмон кўзлардан асрасин!

Мунтазам кузатиб бораётганлар билан: А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий каби буюкларимиз ҳақида ниҳоятда кўпроқ мақолалар, китобчалар, маълумотномалар чиқди, асарларидан намуналар босилди, телерадиода кўрсатув ва эшиттиришлар бўлди. Шунинг учун уларнинг номлари анча кенгроқ ёйилди. Фози Юнус ҳақида кам ёзилди. Камина 1983 йилда нашр этилган «Адабий мерос ва замонавийлик» китобида ва кейинроқ айрим газета ва журналларда — умумий маълумотлар тарзида мақолалар эълон қилган эди. Бу сафар эса, биз Фози Юнус ижодий фаолияти, ташкилотчилик қобилияти билан маънавиятимиз ривожига қандай ҳисса қўшганлиги ва ундан қолган маданий, маърифий меросининг бугунги аҳамияти устида қисман мулоҳаза юритишга жазм этдик.

Йигирманчи асрнинг 5-10-йилларидаёқ Тошкентдаги Баракхон мадрасасини битириб, араб, форс, туркий тилларни мукаммал билган, Шарқ халқлари тарихи, адабиёти, диний илмлардан чуқур хабардор бўлган Фози Юнус замонасининг биз юқорида номларини санаб ўтган талай етук зиёлилари қаторида маънавият ва маърифатимиз тарихига кирди.

У Тошкент шаҳрида саводхон оилада дунёга келди. Отаси анча билимдон, рўзғорни иморат устакорлиги билан тебратадиган, онаси эса уйда ўзбек хотин-қизлари учун мактаб очиб, отинлик қиладиган кишилар эди. Фози Юнус ёшлигиданоқ ўқишга чин ихлос қўйди. Мумтоз ўзбек ва хорижий Шарқ адабиётини севиб ўқиди, асримизнинг 7-10 йиллариданоқ дастлабки шеърлари маҳаллий матбуотларда эълон қилинди.

Мақоламиз сарлавҳасидаги мазмун 1910 йилларда адабиётга кириб келган барча ўзбек ёзувчилари дунёқарашларини аниқ баён қилади. Ўша давр — чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати кун сайин авжга чиқиб, илғор, етук ўзбек зиёлилари дунёқарашида миллий озодлик, миллий мустақиллик, эркинлик ғояларини шакллантирган ва бу ғоя улар маънавий оламининг туб моҳиятини ташкил этган эди. Мазкур ғояларни Туркистонда кўтарган, кенг кўламда тарғиб қилган — янгилик тарафдорлари саналмиш жадидлар бўлиб, улар ўша даврдаги барча илғор фикрли шахсларни ўз атрофларига тўплаган эдилар. Ўша кезларда миллий озодликка эришув, миллий мустақилликни қўлга киритиш учун кенг халқ оммасининг онгини ошириш, маънавий дунёсини бойитиш лозим эди. Бунинг учун Туркистондаги мавжуд ўқиш-ўқитиш тартибларини ислоҳ қилиш талаб этиларди. Яъни шу давргача давом этиб келган ўқиш-ўқитишга, диний илмлар билан бирга аниқ фанларни ўқитиш тартибларини ҳам киритиш лозим эди. Жадидлар шу йўлдан бориб анча муваффақиятларга эришдилар. Кўплар қатори Фози Юнус ҳам бу ишларга қаттиқ киришди... Халқ оммасига маърифатни ёйиш учун газета, журналлар, нашриётлар, босмахоналар зарурлигини жуда эрта тушунган Фози Юнус асримизнинг 10-йиллариданоқ «Нашриёти Фози Юнус» номи билан матбаачилик ишига бел боғлади. 1913-14-йилларда Москва, Петербург, Болтиқбўйи жумҳуриятларига, Финляндияга бориб, босмахона ускуналарини олиб келди. Келтирилганларини Эски Жўвадаги (ҳозир ҳам ишлаб турган) биринчи босмахонага ўрнатди. Ўзи ўша ерда ҳарф теришдан бошлаб директорлик даражасигача бориб етди. Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий каби сафдошларининг кўплаб китобларини октябрдан илгариёқ «Матбуоти Фози Юнус»да нашр эттирди. Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардан бошлаб Фози Юнус ва унинг сафдошларига қарши ҳар хил баҳоналар билан ўқтин-ўқтин ҳужумлар бўлиб турди. Шундай ҳужумлардан бирида Фози Юнус вилоят фирқа қўмитасига ёзган аризасида шундай гапларни ўқиймиз: «...Менинг ижтимоий аҳволим — бир меҳнаткаш боласи бўлғоним устига виждонли бир меҳнаткаш эканлигим ҳаммага маълумдир. Февраль ўзгаришигача меҳнаткашлик билан кун кечирган эканман, февраль инқилобидан сўнг ҳам меҳнаткашлар фойдасига ишлаш мақсади учун деб ишга киришдим. Ўша вақтда миямизни ўраб олган дин, миллатчилик, хурофот инқилобий йўлларда ҳам янглишганлигимизни кейинроқ тушунтирди. Октябрь инқилобидан оз фурсат ўтмасдан биз тушунган йўлимизга тўғри бурилдик ва шу йўлнинг тармоқларигача киришга уриниб, ниҳоят фирқага мансуб шўролар ҳукуматига виждонлик бир граждан бўлиб кириб, керак фирқа ва керак шўро йўлида қўлдан келганча ишладим ва ишлаб келмоқдамиз. Бу ерда мен сўзни «биз» деб ёздим. Чунки, инқилоб бошида ҳаммамиз ҳам шошқон ва бир рохимустақимни (тўғри йўлни) ахтариб юрган эдик. Мана, биз топқон роҳимустақим билан йўл юрдик ва фирқанинг буйруғи билан буюрилдик. Киши йўқ вақтлар биз ўзимизга беш кишининг вазифаси юкланса ҳам, виждонан адо қилишга киришдик. Жумладан, менинг ўзим бўлсам ҳам ҳарбий инвалид бўлғон ҳолимда бутун бир кишидан кўра ортиқ иш кўриб келдим. Фирқанинг ҳар қандай буйруғини бажардим. Юборғон йўлидан бош тортмадим. Чакана-чукана ҳисобсиз ишларни бир томон ташлаб, матбуот тўғрисида кўрсатган жонбозлигимни кўрсатсам кифоя қилар, деб ўйлайман. Фирқанинг топшириғи билан деворий Ростада уч йил ишладим. Мафкурасини ишчилар ҳукумати ва фирқа қўмитаси учун муносиб бир йўлда давом эттирдим. «Қизил байроқ» газетаси сусайгандан кейин Марказқўм мени муҳаррир қилиб белгилади. Мен қуйидан ёзувчилар етиштиришга ва янги техника билан чиқаришга уриниб, муваффақ бўлдим. Ва бу ҳаракатимни Эски шаҳар ижроқўми, обком кўзда тутиб 1921 йилда секанинг тасдиғи билан мени «Меҳнат ва матбуот қаҳрамони» деб эълон қилди ва бу эълон ерлик матбуот билан русча газеталарда эълон қилиниб, менга эҳсонлар берилди... Шўро ва фирқа матбуотида ишлаб ҳисобсиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий мақолаларим босилиб ўтди. Керак мафкура майдонида, керак эскилик ва бузуқ тарбия устидан ташвиқот юритдим», «Мафкура майдонида кураш очқонларнинг энг биринчиси деб мени ҳисобланса мумкиндир. Зиёлилар масаласини кўтариб чиққанимда мени ёқловчилар ўрнига сўкувчиларгина бор эди», «Менда саъй ғайрат бор эди. Мен мустамлакачиликка қарши эдим. Жиззах воқеаси, мардикор воқеаси, Еттисув воқеаси кўз олдимизда турар эди...»

Шу ўринда биз ўқувчилар эътиборини бир муҳим, айни чоғда, ғоят нозик бир нуқтага жалб этамиз — маънавий меросларимизда намоён бўладиган аниқ ҳужжатлар, тарихий манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ифодалаш, уларда учрайдиган ибораларни шарҳлаш, талқин этиш масаласи. Айрим ахборот воситаларида ёшларгина эмас, ҳатто, 20-30 йиллар мобайнида адабиётшунослик, тарихшунослик қилиб келаётганларнинг гоҳо ўтмишдаги буюкларимиз сўзларидан, ёзганларидан бир-икки иборани ажратиб олиб уларни замонасозликда айблаш иллатлари кўриниб қолаяпти. Ҳужжатларга тўғри баҳо бериш ўрнига, уларнинг муаллифларини камситиш ва ўзларини улардан кўра билимдонроқ қилиб кўрсатиш — ўз аждодлари шаънига, уларнинг бусиз ҳам салкам бир асрдан буён чирқиллаб юрган руҳларига озор берадиган талқинларга бориб қолаётирлар.

Фози Юнус ҳаётда ғоят фаол зиёли бўлгани учун 1917 йилдаёқ қизил империя қувғинига учраган, арзимаган баҳона билан Тошкентдаги «Московская тюрма» деб аталган чор Россияси хибсхонасига қамалган... Бирмунча вақт ўтиб, оқланиб чиққунча авахтада кўрган-билганларини «Турма хотираси»да ёзиб қолдирди.

Энди юқоридаги аризада учрайдиган «миллий зиёли», «пантуркизм», «панисломизм» сингариларга келсак, Қизил империя ҳокимиятга келгач, ясаб чиқарилган қатор сунъий тамғалар билан миллий ўлкалардаги энг онгли зиёлиларни истаганча қириб ташлар, уларни бир-бирига гиж-гижлаб «ўз гўштларини ўзларидан едирар» эди. Биз келтирган сўз ва иборалар-ку, асримизнинг 10-20 йилларида, айримлари 30-йилларда ёзилган. Ахир 1988 йил, ҳатто, 89-йилларда ҳам «Правда Востока»да А. Қодирий, Чўлпон, Фитратларни пантуркист, панисломист деб чиққан унвонли, ҳатто, қўшунвонлиларга нима дейсиз?! Орадан бирикки йил ўтиши билан бир ағанаб яна меросни «ҳурматлаш»га ўтиб олишганларигачи?! Лоақал ўз қилмишларини бирор йўсинда изоҳлаб беришганда ҳам майли эди... Агар ўшандай қинғир ойнада қараб Фози Юнус меросига ҳам «ана, динчи экан ёки даҳрий экан, қизилларга ёрдам берган экан?» деб қарайдиган бўлсак, бу билан маънавиятимизга ўт қўйган бўлмаймизми?! Боринг Фози Юнус «дин-хурофот» ибораларини қоралагани учун «даҳрий» дейилса ҳам, ўн йиллаб мадраса таълимини олган эскича илмли ота, отин ойи қиёфасидаги ўз онаси бағрида таълим олган ўзбек зиёлиси ҳеч қачон даҳрий бўлолмайди. Биздаги даҳрийлар фақат шўро мактабларидангина чикди, улар ҳам ҳаммаси даҳрий бўлган эмас. Фози Юнус ўзини сақлаб қолиш учун қандай арзномалар ёзмасин, охири қизил империя ўша машъум 37-йилда Фози Юнуснигина эмас, рафиқаси Ҳадича аяни, икки қизини ҳам қамоқ қа олди. Ўғли Тўлқин Фозиев ўша вақтда Қашқадарёда ўқитувчилик қилиб юргани учун қамалмай қолган эди. Урушга кетди. Аскарликда ҳалол хизмат қилди, қайтиб келиб, 50-йиллардаги қатлиомда у ҳам Магаданда ўн йиллаб юрган маҳбуслар орасида бошига тушганларини худди отаси каби хотира қилиб ёзди. 1953-йилдан кейин омон-эсон келиб, ҳозир Тошкентда яшаяпти... Хўш, биз бу гапларни ҳозир нега эслаяпмиз? Бу бежиз эмас. Россиядаги бесаранжомликлар, гуруҳбозликлардан фойдаланиб Зюганов, Лукьянов, Анфилов сингари собиқ иттифоқ тарафдорлари бутун дунёга жар солиб турган қалтис бир вазиятда ўтмишда чоризм бизга нима берганлигини ҳаммамиз ҳам чуқур идрок этамизми?! Бугун гап ана шу нуқтада. Ички, ташқи муҳолифларимиз, ўз ичимизда ҳамон иккиланиб юрган кимсалар — орқадаги йўллар, кўприклар бузиб ташланганлигини ўз онгларига чуқур сингдириб олишлари зарур эмасми? Айни шу ўринда аждодларимизнинг маънавий меросига тўғри ёндашув, улардаги энг илғор нуқталарни ижодий давомийлигини тушуна билиш — маънавий ҳазинамизнинг бугунги мавқеини белгилайди.

Фози Юнус республикамизда қатор газета ва журналларга ҳам муҳаррир бўлиб келган. Хусусан, «Муштум» журналининг биринчи муҳаррири эди. Шу йилларда Абдулла Қодирий, Комил Алиевлар билан бирга кўплаб фельетонлар, публицистик мақолалар, баҳслар ёзди. Иш орасида араб, форс, озарбайжон, татар, турк тилларида чиққан кўплаб саҳна асарларини ўзбеклар ҳаётига мослаб, ижодий таржималар қилди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан қатор бобларни танлаб, «Заҳҳоқ ва Кова», «Заҳҳоки Морон» номли пьесалар ёзди. Ўзи ҳам режиссёр, ҳам артист бўлиб ўйнади. Бутун адабий ҳаёт, журналистикага боғланиб Наби Ғаниев, Маннон Уйғур, Абдулла Авлонийлар билан яқин алоқада бўлди. Наби Ғаниев томонидан қўйилган «Йигит» фильмида Бой ролини ижро этган тасвири ҳам ленталарда бор... Унинг ёзган ёки қайта ишлаб чиққан саҳна асарларида 20-йиллардаги янгиликка интилиш ўз ифодасини топди. Жумладан, «Лена жаллодлари», «Саводсизлик балоси», «Фарзанд дуоси», «Хоннинг севгиси», «У ерда унақа, бу ерда бунақа», «Сўзлайтурғон қўғирчоқ» каби асарларида — ёшлар ва катталарнинг маънавиятини ошириш борасидаги муаммолар кўтарилди. Мактабга, илм олишга, маърифатга даъват этди.

Демак, 20-30-йиллардаги буюк аждодларимиз бизларнинг бугунги истиқлолимизни орзу қила-қила, армон-ҳасратда оламдан ўтдилар. Бугун биз уларнинг руҳларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

***Аҳмад АЛИЕВ.***

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

## ВАШИНГТОН

Американинг Миссури штатидаги Уайтмэн ҳарбий базасида замонавий «В—2» қирувчи самолёти синовдан ўтказилди. Ушбу самолёт «Стелс» технологияси асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, унга «В61—11» русумли ядровий авиабомбалар ўрнатилган. «В-2» ҳар қандай об-ҳаво шароитида уча олади. Ундаги ядро бомбалари душманнинг ерости ҳарбий пунктларини яксон қилишга мўлжалланган.

## БИШКЕК

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Кавказорти мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У Озарбайжон, Арманистон ва Грузияга ташриф буюриб, ушбу давлатлар раҳбарлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш, халқаро транспорт ва коммуникацияга доир музокаралар олиб боради.

## БАЙРУТ

Исроил авиацияси Ливаннинг жанубидаги «Ҳизбуллоҳ» ташкилоти қароргоҳини ўққа тутди.

Маълумотларга қараганда, Исроил билан ҳамкорлик қилаётган «Жанубий Ливан армияси» сафида хизмат қилаётган бир зобит ва икки аскарнинг «Ҳизбуллоҳ» жангарлари томонидан ўлдирилгани ушбу бомбардимонга сабаб бўлган. Бомбардимон туфайли «Ҳизбуллоҳ»га етказилган талафот ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

## ВАШИНГТОН

АҚШ ҳукумати ўзининг Тожикистондаги элчихонаси ходимлари оила аъзоларининг Душанбега қайтиб боришига рухсат берди.

Маълумки, шу йилнинг февраль ойида Тожикистон пойтахтида вазият кескинлашиб, Америка элчихонаси қўриқчиларидан икки кишининг ўлдирилиши муносабати билан, элчихона ходимлари оила аъзолари республикани тарк этган эди.

## МОСКВА

Хитой Давлат кенгашининг раиси Цзянь Цземиннинг Россия Федерациясига расмий ташрифи бошланди. Унинг ташрифи чоғида икки мамлакатнинг турли соҳалардаги, жумладан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги масалалари кенг муҳокама қилинади. Шунга оид шартнома ҳам имзоланиши кутилмоқда.

## ШВАРЦЕНЕГГЕРНИНГ ЯНГИ ЮРАГИ

Машҳур Голливуд актёри Арнольд Шварценеггер ўйлаб-нетиб ўтирмай юрагини операция қилдирди. Гарчи у юрагидан ҳеч шикоят қилмаган бўлса-да, унда порог борлиги аниқланди. Лос-Анжелес шаҳридаги шифохонада ўтган чоршанба куни жарроҳлар унинг юрак клапанларидан бирини олиб, янгисини қўйдилар.

Шифокорларнинг фикрича, 49 ёшли актёрнинг соғлиғи бу жарроҳликдан сўнг яна асли ҳолига қайтади. У май ойининг охиригача шифохонада бўлиши керак. Сўнг ўзи ўйнаётган янги фильмдаги ишини давом эттиравераді.

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАСИНИ БУЗГАНГА 50 ҚАМЧИ

**Рас-ал Хайм амирлигида йўл ҳаракати қоидаларини бузувчи масъулиятсиз ҳайдовчиларни жазолашнинг ўзига хос чораси ўйлаб топилди. Светофор чироқларига писанд қилмайдиган, белгиланган тезликни оширган ҳайдовчи ҳовлиқмалар воқеа содир бўлган жой яқинидаги масжидга олиб келиб қамчиланади. Йўл қоидасини бузган айбдорни 50 қамчи ва ўн кунлик қамоқ жазоси кутади. Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ бўлатуриб, рулга ўтирганларга минг доллар жарима солиниб, машинаси олти ойга олиб қўйилади.**

## ЧАПЛИН КЎНГИЛОЧАР БОҒИ

Буюк қизиқчи артист Чарли Чаплиннинг ўғли Юджин Женева яқинидаги Вева шаҳрида кўнгилочар боғ қурилиши лойиҳасини тақдим этди. Бу истироҳат боғи дунёнинг турли мамлакатларида бунёд этиладиган шунга ўхшаш 10 та боғнинг асосийси бўлади. Бу ерга ҳар йили ярим миллиондан зиёдроқ саёҳатчи келадики, бу минтақа иқтисодиётини кўтаришга янги омил бағишлайди, деб ҳисобланмоқда. Боғ ҳудудида 10 та кинотеатр жойлашади. Уларда Чарли Чаплин ўйнаган ёки актернинг ўзи қўйган фильмлар намойиш этилади.

## ЧОРШАНБА, 23

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Маънавият». «Муножот». Берта Давидова қўйлайди.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳаётимсан, футбол».
9.35 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.
**Ўқув кўрсатувлари:**
10.30 Зоология.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
*
11.40 «Ялқов», Мультфильм.
11.50 «Иқтидорлар — юрт таянчи». Республика иқтидорли болаларнинг VI слёти.
12.10 «Соат занг урар экан». Бадиий фильм.
13.25 Ганижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.20 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.15 «Диёр». Тележурнал.
18.35 «Катта танаффус» янгиликлари.
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Қалқон». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Мусиқа ва замон.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Автоолам» тақдим этади: «Асакадан хабарлар».
21.55 «Сир».
22.05 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.20 «Табаррук қадамжолар». Авлиё ота мажмуаси. VIII аср.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».
**II**
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар», Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10—00.20 Кундалик.
**III**
17.10 Янгиликлар.
*
**6.30 — 8.00, 17,15 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.**
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
*
**21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 6-серия.
22.45 С. Ротару қўйлайди.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.
**IV**
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Азизим».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.35 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 Экстремал ўйинлар.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

22.45 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Манчестер-Юнайтед» (Англия) — «Боруссия» (Германия), (23 апрелдаги репортаж ёзиб олинган).
00.15 — 00.20 Янгиликлар.
**IV**
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Ҳамшаҳарлар».
20.15 «Долзарб репортаж».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Каталог».
22.00 «Коктейль плюс».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Ракурс».
23.30 «Интер-спорт».
23.40 «Океандан океангача».
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 25

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чемпион билан мулоқот».
9.25 «Санъат ғунчалари».
9.50 «Нон таъми».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури». Телеочерк.
**Ўқув кўрсатувлари:**
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
12.40 Осиё ўйинлари олдидан.
13.00 М. Супонин. «Кел, дўст бўлайлик». Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Саҳна ҳаёти». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг актёри Ҳамид Тўхтаев.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Томоша» сумалаги».
18.30 «Йигит омон бўлса».
18.50 «Синфдош».
19.10 Бизнес ҳафта якунлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Биламиз-у, аммо...».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида.
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Ривоят».
21.50 «Санъат Нигористони».
22.10 «Эртага — шанба».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 Жаҳон спорти янгиликлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
**II**
9.00 «Кўзмунчоқ».
9.20 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.35 «Дубляж».
9.50 «Жозиба».
10.05 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
10.30 Видео-«О».
12.10 «Спорт қитъаси».
13.00 — 14.30 «Елғон». Бадиий фильм. 1-серия.
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Камолот».
18.50 «Телевидение ва театр».
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 «Ханда дўкони».
23.05 «Санта-Барбара», Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Даракчи».
**III**
17.15 Янгиликлар.
*
**6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.**
*
20.40 «Бухоро зардўзлари». Телефильм.
*
**21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.**
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Футбол. Кубок эгалари кубоги. Ярим финал. «Фиорентина» (Италия) — «Барселона» (Испания).
23.25—23.30 Янгиликлар.
**IV**
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Рангинкамон».
19.55 «Умид чечаклари».
20.25 «Латофат».
20.40 Эълонлар.
20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 «Қанотлар».
21.55 «Уй остонадан бошланади».
22.25 «Монитор-Осиё».
22.55 «Шаҳрим — фахрим».
23.25 «Олам ва одам».
23.50 «Баҳорги вернисаж».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

## ШАНБА, 26

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада қўшиқлари.
9.05 «Соҳон — менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шоҳрух» клуби.
**«Ёшлик» студияси намойиш этади:**
10.30 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
11.00 «Таянч».
11.20 «Ҳамроҳ».
11.40 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 28-қисм.
12.15 Теннис. Наманган Халқаро турнири.
12.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.20 «Нокдаун». Бадиий фильм.
14.35 — 15.30 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Соғга».
18.20 «Олам».
18.30 «Тараддуд». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Бизнес-академия».
21.50 Рақслар гулдастаси.
22.00 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева.
22.20 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 29-қисм.
**«Тунги ёғду».**
**Дам олиш дастури:**
22.55 «Куй ва тасвир».
23.10 «Катта жанжал». Бадиий фильм.
**II**
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.10 «Камолот».
9.35 «Телевидение ва театр».
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 «Спорт қитъаси».
13.10 — 14.40 «Елғон». Бадиий фильм. 2-серия.
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Бугуннинг боласи».
18.55 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.10 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оқшом эртаклари».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
**«Шанба оқшоми».**
**Дам олиш дастури.**
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Жаҳон киноси классикаси. «Том Жонс». Бадиий фильм.
24.00 — 00.10 «Даракчи».
**III**
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
**17.55—22.05 Россия жамоат телевидениеси.**
*
22.05 Эълонлар.
22.10 «Қонли тош». Бадиий фильм (АҚШ).
23.35 «Опера шинавандаларига».
00.05—00.20 «Энг Жанубий». Телефильм.
**IV**
9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Ажабтовур Фауст». Бадиий фильм.
10.50 Эълонлар.
10.55 «Спектаклдан сўнг».
11.20 Шанба эртаги.
12.20 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.05 Корейс тилини ўрганамиз.
13.25—14.55 «КВН-97». Мавсумнинг очилиши.
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Санта-Барбара», Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.40 «Хит-коллекция».
21.00 «Бу ажиб дунё».
21.20 Кинонинг олтин асри. «Палермода юз кун». Бадиий фильм.
22.50 «Оқшом учрашувлари». Ўзбекистон миллий симфоник оркестри.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 27

**I**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.40 Мультипанорама.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 29-қисм.
11.35 «Бир ўлка-ки...»
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 Келгуси ҳафтада.
12.55 «Соғинч».
13.05 «Ёлғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм. 2-серия.
14.25 «Мусиқа салтанати».
14.45 Ўзбекистон спорти.
15.00 Эгиз қўшиқлар.
15.20 — 15.30 «Тақвим».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.15 «Котиллик пайида». Бадиий фильм. 7-серия.
19.05 «Пойинтар-сойинтар».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Илҳом сатрлари.
20.05 Эгиз қўшиқлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Маърифатнома». «Зиёратлари қабул бўлсин!»
21.25 «Бу мунис лаҳзалар».
21.45 «Шаҳс ва баҳс».
22.10 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 30-қисм.
22.45 «Интер-футбол».
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Уч қирол жанги». Бадиий фильм, 3—4-сериялар.
01.40 «Тақвим».
01.50 — 02.00 «Ватан тимсоллари».
**II**
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Мухлис-ТВ 2»
11.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!»
11.25 Дилором наволар.
11.40 Видео-«О».
13.50 — 14.20 «Глобус». Телеальманах.
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Мухлис-ТВ 2».
19.15 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».

1997 ЙИЛИ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИДИ

# МАҲАЛЛАГА МАНЗУР ТАДБИРЛАР

**Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги Беруний маҳалласида наврўз айёми тантаналари Ийди қурбон байрамига уланиб кетди.**

***Ватанпарварлик, юртпарварлик нимадан бошланади... Бизнингча, бу ҳар биримизнинг остонамиздан, хонадонимиздан, маҳалламиздан бошланади. Ана шу хонадонда, маҳаллада хайрли иш қилинса, ким учундир қайғурилса, бир туп дарахт экилса, ободончилик қилинса, айни шу нарса ватанпарварлик, юртпарварликнинг нишонасидир.***



Маълумки, 1997 йил республикамизда инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Юртимиз фуқаролари фаровонлиги, келажаги йўлида янги қадам қўйилди. Шу маънода ўтаётган йилимиз тарих саҳифаларидан алоҳида ўрин олиши тайин. Зеро, мамлакатимизда инсон ғамхўрлиги йўлида бошланган жуда катта ишлар ҳар бир хонадонга, маҳаллага кириб бормоқда. Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги Беруний маҳалласида Ийди қурбон кунлари бўлиб ўтган тантаналар ана шу хайрли, савобли ишларнинг бир бўлагига айланди.

Наврўз ва Хайит айёмларининг ҳосияти алоҳида. Чунки, бу ҳар икки байрамда ҳам эл-юрт учун саҳоват кўрсатиш, савобли ишлар қилиш, одамлар тўғрисида қайғуриш, ўтганларни ёдга олиш муқаддас саналади. Мамлакатимизда қадриятларимиз, анъаналаримизнинг тикланиб бораётганлиги, уларга кенг йўл очилаётганлиги, саҳийлик, ҳамият фазилатлари халқимиз қалбига тобора чуқурроқ кириб бораётганлиги республикамизда амалга оширилаётган эътиборга лойиқ катта ишлар сирасидандир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда ишбилармонларга, тадбиркорларга катта имтиёзлар, имкониятлар яратиб берилаётганлиги туфайли саҳоватпеша инсонлар сафи ҳам кенгайиб боряпти. Улар эл-юрт, маҳалла, одамлар учун савобли ишлар қилишга бел боғламоқдалар. Айёмларимизнинг янада файзли ўтишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Беруний маҳалласида бўлиб ўтган тантаналарга ҳам ана шундай саҳоватли кишилар бошқош бўлдилар.

Шу куни маҳалла аҳли ана шундай тадбиркорлардан бири — Неъмат Ниёзов бошчилигида бунёд этилган янги масжид биносида тўпландилар. Аввало, ўтганлар ёд этилди. Улар хотирасига Қуръон тиловат қилинди. Шундан кейин байрам тантаналари бошланиб кетди. Элга ош тортилди, қариялар, ёрдамга мухтож оилаларга саҳоват кўрсатилди.

— Биз анчадан буён маҳалламизни янада обод қилиш, қарияларимизга қулайлик туғдириш учун мана шундай бино қуришни режалаб қўйган эдик, — дейди Неъмат Ниёзов. — Мана, кўпчиликнинг қўллаб-қувватлаши, кўмаги натижасида табаррук айём — Қурбон ҳайити арафасида уни битказдик. Бу жой нафақат қарияларимизнинг, балки, маҳалла аҳлининг муборак қадамжосига айланади деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, ўзига хос лойиҳа асосида қуриб битказилган бу бино маҳалла кўркига кўрк қўшди. Унинг ғиштини теріб беришда хоразмлик усталар меҳнат қилишди. Безаш ишларини амалга оширишга эса андижонлик дурадгорлар ҳисса қўшдилар.

Маҳалладаги байрам тантаналари кечгача давом этди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилган маҳалла аҳли даврасига халқимиз севган санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов ўзининг қўшиқлари билан файз киритди.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***
***СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар. Даврон АҲМАД суратлари.***

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

# МУХЛИСЛАР БИРЛАШАДИГАН КУН

●БИР ОЙЛИК ТАНАФФУС ● СЎНГГИ ТАРАДДУД ● ИМТИҲОН ЯҚИН ● КУБОК БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

ҲАР БИР футбол мухлисининг ўз севган жамоаси бўлади. Камина аввало вилоятнинг «Дўстлик», сўнг эса «Пахтакор» жамоаси шайдоси. Ўтган жума куни ана шу икки жамоа саккизинчи турда ўзаро рўбарў келди. 30 мингдан зиёд мухлислар қизиқиб томоша қилган ўйин натижасиз тугади. Жамоалар ўз ҳисобларига биттадан очко ёзишди. «Дўстлик» ҳам, «Пахтакор» ҳам тўп киритиши мумкин эди. Бироқ Фарид Хабибулин, Жаъфар Ирисметов, Отабек Пирматов, Азамат Абдураимов, Нуъмон Нурматов ва бошқалар имкониятлардан фойдалана олмадилар.

Шу турнинг энг муҳим учрашуви Фарғонада бўлди. «Нефтчи» МҲСКни қабул қилди. Пешқадамларнинг ўзаро баҳсида мезбонлар ҳисобни очган бўлсалар-да, армиячилар ҳам бўш келишмади. Улар нафақат вазиятни тенглаштирди, балки иккинчи тўпни ҳам киритишди. Вячеслав Князев ҳисобни 2:2 қилганда ҳам МҲСК кўп ўтмай яна олдинга чиқиб олди ва 3:2 ҳисобида ғолиб келиб, ҳамон якка пешқадамлик қилмоқда. Шу кунгача 8 та ўйин ўтказиб, ҳаммасида ғалабага эришган армиячилар ҳисобида 24 та очко бор. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Янгиер» — «Атласчи» — 0:0, «Чилонзор» — «Зарафшон» — 0:1, «Навбаҳор» — «Насаф» — 3:1. «Андижон» — «Косонсой» — 1:2, «Афросиёб» — «Хоразм» — 4:1, «Сўғдиёна» — «Трактор» — 3:0, «Сурхон» — «Бухоро» — 0:0.

Олий табақа жамоаларининг саккиз турдан сўнг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

| Жамоалар | Ў. | Ю. | Д. | М. | Т. | О. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| МҲСК | 8 | 8 | 0 | 0 | 22-6 | 24 |
| «Нефтчи» | 8 | 6 | 1 | 1 | 25-10 | 19 |
| «Пахтакор» | 8 | 5 | 3 | 0 | 12-3 | 18 |
| «Навбаҳор» | 8 | 5 | 2 | 1 | 20-7 | 17 |
| «Дўстлик» | 8 | 5 | 2 | 1 | 12-5 | 17 |
| «Бухоро» | 8 | 4 | 1 | 3 | 13-13 | 13 |
| «Сўғдиёна» | 8 | 4 | 0 | 4 | 10-9 | 12 |
| «Афросиёб» | 8 | 3 | 2 | 3 | 10-8 | 11 |
| «Атласчи» | 8 | 3 | 2 | 3 | 11-12 | 11 |
| «Косонсой» | 8 | 3 | 0 | 5 | 7-15 | 9 |
| «Трактор» | 8 | 2 | 2 | 4 | 5-8 | 8 |
| «Зарафшон» | 8 | 2 | 2 | 4 | 8-11 | 8 |
| «Андижон» | 8 | 2 | 1 | 5 | 7-10 | 7 |
| «Насаф» | 8 | 1 | 4 | 3 | 7—11 | 7 |
| «Чилонзор» | 7 | 1 | 1 | 5 | 2-7 | 4 |
| «Хоразм» | 7 | 1 | 0 | 6 | 6-22 | 3 |
| «Янгиер» | 7 | 0 | 3 | 4 | 5-10 | 3 |
| «Сурхон» | 5 | 0 | 2 | 3 | 0-15 | 2 |

Олий табақа жамоалари 13 майга қадар танаффусга чиқдилар. Энди барча мухлислар бирлашиб, Ўзбекистон терма жамоасига қайғурадиган пайт яқинлашмоқда. Ўзбекистон футболчилари 9 майда жаҳон биринчилиги саралаш учрашувини бошлашади. Маълумки, футболчиларимиз Осиё минтақасининг бешинчи гуруҳида қатнашишади. Шу кунларда футболчиларимиз сафарда — Германияда тайёргарлик босқичига якун ясашмоқда.

Осиё бешинчи гуруҳида ҳозиргача иккита ўйин бўлиб ўтди. Жакартада Индонезия футболчилари 30 мингдан зиёд мухлислар томоша қилган ўйинда Камбоджа футболчиларини йирик 8:0 ҳисобида енгишди. Бироқ орадан бир ҳафта ўтгач улар Яман терма жамоаси билан бўлган ўйинни натижасиз дуранг қилишди.

Бугунгача мазкур саралаш гуруҳидаги вазият қуйидагича бўлиб турипти:

| | Ў. | Ю. | Д. | М. | Т-Н. | О. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Индонезия | 2 | 1 | 1 | 0 | 8-0 | 4 |
| Яман | 1 | 0 | 1 | 0 | 0-0 | 1 |
| Камбоджа | 1 | 0 | 0 | 1 | 0-8 | 0 |
| Ўзбекистон | 0 | 0 | 0 | 0 | 0-0 | 0 |

## «МЕТАЛЛУРГ» ПЕШКАДАМ, «БЎКАЛИК» УЧЛИКДА

Мамлакат биринчилиги биринчи табақасида Бекободнинг «Металлург» ва Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоалари 15 тадан очко билан пешқадамлик қилишаётган бўлса, «Бўкалик» футболчилари 13 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Бешинчи турда «Зафар» футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлуб этган «Бўкалик» сўнгги турда «Гулистон» жамоасини 1:0 ҳисобида енгди. Ўтган йили вилоят биринчилиги ғолиби бўлган ва кучлилар табақасига чиққан Зангиота туманининг «Лочин» жамоаси ҳам яхши ўйин кўрсатмоқда. Зангиота футболчилари кучли жамоа ҳисобланган «Шаҳрихон» билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашди ва олти турдан сўнг ўн очко тўплашди.

Шанба куни бўлиб ўтган олтинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Зафар» — 3:0, «Истиқлол» — «Пахтаобод» — 3:2, «Темирйўлчи» — «Навбаҳор-2» — 3:0, «Бағдодчи» — «Тўқимачи» — 0:0, «Машъал» — «Кимёгар» — 3:0, «Дўстлик» — «Роҳат» — 1:0, «Қизилқум» — «Хива» — 2:1, «Ситора» — «Орол» — 2:1, «Шўрчи» — «Шўртон» — 3:1.

Олий табақа жамоалари қатори биринчи гуруҳ иштирокчилари ҳам танаффусга чиқишди. Бу орада улар кубок учрашувларини ўтказишади. Кеча 1/32 финал учрашувлари бўлиб ўтди. Сафарда «Бўкалик» олий табақа иштирокчиси Термизнинг «Сурхон», Бекободнинг «Металлург» жамоаси эса Марғилоннинг «Атласчи» футболчилари меҳмони бўлдилар. Келаётган дам олиш куни бўкалик ва бекободлик мухлислар ана шу жамоаларнинг такрорий учрашувларини томоша қилишади.

***Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.***

*Вилоят биринчилиги*

## ЖАМОАЛАР КЎПАЙДИ-Ю, ЙЎЛЛАНМА КАМАЙДИ

ЎТГАН йил футбол бўйича Тошкент вилояти биринчилигида жами 16 та жамоа қатнашган эди. Бу йил улар сони ортиб, 18 тага етганлиги қувонарлидир. Бироқ, ўтган йилдагидек бу йил ҳам вилоят биринчилигида Чиноз тумани вакиллари қатнашмаётганликлари ачинарли ҳолдир. Шунингдек, аввалари пешқадамлар сафида борган Бекободнинг «Цементчи» клуби ҳамда Тўйтепа ва Янгийўл шаҳар командалари ҳам бу йил мусобақада иштирок этиш истагини билдиришмади.

Мавсум якунлангач вилоятлар ва Қорақалпоғистон биринчиликларининг ғолиблари ўзаро тўпланиб, келаси йил биринчи табақада қатнашиш ҳуқуқини берадиган 2 та йўлланма учун даъвогарлик қиладилар. Ўтган йили эса 3 та йўлланма ажратилган эди.

Вилоят биринчилиги қатнашчилари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Парвоз — «Зафар» — 2:1, «Соҳибкор» — «Семурғ» — 0:1, «Зафар» — «Соҳибкор» — 1:2, «Кимёгар—Авто» — «Ғазалкент» — 0:1, «Дўрмон» — «Парвоз» — 0:5, «Олмалиқ» — «Хос» — 2:2, «Цементчи» — «Посбон» — 0:0. «Паркент» — «Турон» — 2:1.

**ТУРНИР ЖАДВАЛИДАГИ АҲВОЛ БИЛАН ТАНИШИНГ:**

| ЖАМОАЛАР | ЎЙИН | ТЎПЛАР | ОЧКО |
|---|---|---|---|
| «Хос» Бекобод | 3 | 12—3 | 7 |
| «Семурғ» Янгиобод | 2 | 7—1 | 6 |
| «Парвоз» Ангрен | 2 | 7—1 | 6 |
| «Кимёгар—Авто» Ангрен | 3 | 5—2 | 6 |
| «Ғазалкент» Ғазалкент | 2 | 2—0 | 6 |
| «Олмалиқ» Олмалиқ | 3 | 7—4 | 4 |
| «Цементчи» Оҳангарон | 3 | 3-5 | 4 |
| «Истиқлол» Оққўрғон тумани | 2 | 7—1 | 3 |
| «Паркент» Паркент | 1 | 2—1 | 3 |
| «Ғалаба— Динамо» Солдатск | 2 | 5—5 | 3 |
| «Соҳибкор» Зангиота | 2 | 2—2 | 3 |
| «Оққўрғон» Оққўрғон | 2 | 2—6 | 3 |
| «Посбон» Чирчиқ | 2 | 0—1 | 1 |
| «Зафар» Бекобод тумани | 2 | 2—4 | 0 |
| «Турон» Пискент | 3 | 1—9 | 0 |
| «Келес» Келес | 2 | 1—10 | 0 |
| «Дўрмон» Дўрмон | 3 | 0—12 | 0 |
| «Янгийўл» Янгийўл тумани | 0 | 0—0 | 0 |

***Владимир КОПАНЕВ,***
***вилоят футбол федерацияси аъзоси.***

Бу тўғрида олам

## МУКАММАЛ ҚОМУС

Мюнхендаги осори атиқалар ва археология жамияти фиръавнлар даври сирасрорларини ўрганишни давом эттирмоқда. Яқинда мазкур жамият фиръавнлар ҳаёти ҳақида кейинги саккиз йил давомида тўпланган маълумотларни ўзида мужассам этган қомус нашр этишга қарор қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу қомус фиръавнлар давридан ҳикоя қилувчи энг мукаммал асар бўлади.

## ҒАРОЙИБ ЧИРОҚЛАР

Исроилда ғаройиб йўл чироқлари кашф этилди. Уларнинг ғаройиблиги шундаки, кечаси автомобил ёки йўловчилар яқинлашганида чироқлар ўз-ўзидан ёнади, узоқлашган сари эса сўниб боради.

Бу чироқлар энди Исроилнинг камҳаракат, доимий ёруғлик зарур бўлмаган кўчаларини ёритишда қўлланилади. Шунингдек, ушбу ғаройиб чироқлар исроилликлар учун электр қувватини тежашда ҳам қўл келмоқда.

## СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ... ДОРИЛАР

Исроил соғлиқни сақлаш вазирлиги семиришга қарши ишлатиладиган «Тилекс» номли дори соғлиқ учун хавфли экани ҳақида мамлакат аҳолисини огоҳлантирди.

Исроил соғлиқни сақлаш вазирлигининг ушбу огоҳлантириши бежиз эмас. Чунки, бир неча киши ана шу «Тилекс»дан заҳарланиб, шифокорга мурожаат қилган. Лекин, шунга қарамай, дори бозорларда 200 доллардан бемалол сотилмоқда.

«Тилекс»нинг рекламасида дорини Германиянинг «Байер» фирмаси ва Исроилнинг «Ҳаддасса» касалхонаси ишлаб чиқаргани маълум қилинар эди. Бироқ, «Хаддасса» маъмурияти «Тилекс»га ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтмоқда.

*(ЎзА).*

*Об-ҳаво*

## КУНЛАР ЯНА ИСИЙДИ

Ўзбекистон гидрометерология маркази ходими Марина Ярославцева хабар қилишича, 23-27 апрель кунлари ҳаво очиқ бўлади. Кечалари ҳарорат 9-14 даража илиқ, кундуз кунлари 22-27 даража иссиқ бўлади. Шанба ва якшанба кунларига бориб, кундуз кунлари ҳарорат 25-30 даражагача кўтарилиши кутилмоқда.

*БИЛАСИЗМИ?*

## «ОЛТИН ОЛМА» ЁХУД «СЕВГИ ОЛМАСИ»МИ?

***Овқат таъмига таъм қўшиш мақсадида биз помидоридан ҳам кенг фойдаланамиз. Помидор ўзининг шифобахш хосиятлари билан ҳам ажралиб туради. У кишига тетиклик бағишлайди, юрак уришини мустаҳкамлайди.***

Помидорининг асли ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Америка қитъаси кашф этилгач, помидор Европага, дастлаб Испания, Португалия ва Италияга келтирилган. Қизиғи шундаки, аввалига ундан кўча-кўйни кўкаламзорлаштиришда, мевасидан эса баъзан дори-дармон сифатида фойдаланишган.

Шу боис, итальянлар помидорини «помудоро» — «олтин олма», французлар эса «пома амарис» — «севги олмаси» деб аташган.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистонда асосан XIX асрнинг охирларидагина помидор экила бошланди. Ҳозир ундан кўп ҳосил етиштирилмоқда. Жумладан, республикамиз далаларидан йиғиб-териб олинадиган жами сабзавотнинг деярли 40 фоизини помидор ташкил этади.

***Акбар АЛИЕВ тайёрлади.***

Чиноз туманидаги Добролюбов номли 6-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Исмоил Хожиев номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Зафар—И» очиқ тоифадаги ҳиссадорлик жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


# ДИҚҚАТ, ГАЗ!

**ГАЗДАН ТУРМУШДА ФОЙДАЛАНГАНДА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА АСОСИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ**

***ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:***

● Турар жойларни газлаштириш, газ асбобларини ўрнатиш ва қайта ўрнатиш фақат турар жойлар бўйича шаҳар, туман газлаштириш бошқармалари орқали бажарилиши ва расмийлаштирилиши керак.
● Турар жойларни ва алоҳида газ асбобларини ўзбошимчалик билан газ таъминотига улаш қатъиян таъқиқланади.
● Ностандарт ва шикастланган газ асбобларидан, ҳамда шланг бирикмаларидан фойдаланиш қатъиян таъқиқланади.

**ДИҚҚАТ!**

Ўзбошимча ҳаракатлар портлаш, ёнғин ва бахтсиз ҳодисаларга олиб келади.
● Ёниб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Унутманг, авария туфайли газ ўчириб қўйилганда бинода газ тўпланиб қолиши мумкин.
● Болаларни ва хавфсизлик қоидалари билан таниш бўлмаган шахсларни газ асбобларидан фойдаланишга йўлатманг.
● Сув иситиш асбобларини ишлатишдан олдин ва ишлатаётганда мўриларда тортиш кучи борлигини текширишни унутманг.

Газ плитасидан фойдаланганда қуйидагиларни унутманг:
● Газ горелкасини ёқилган гугурт тутилгандан сўнг ёқинг;
● Духовка шкафи горелкаси ўчиб қолганда, қайта ёқишдан олдин уни яхшилаб шамоллатинг;
● Плита устида кирларингизни қуритманг;
● Баллонли газ қурилмаларидан фойдаланганда босим регулятори ва бириктирувчи шлангнинг созлигини кўриб қўйинг. Ноқонуний йўл билан газ баллонларини харид қилманг, чунки уларнинг фойдаланиш учун яроқлилиги кафолати йўқ.

Баллонларни кўп қаватли уйларда сақлаш ва ундан фойдаланиш қатъий таъқиқланади.

Газ ҳидини сезсангиз, газ асбоблари олдидаги жўмракларини беркитинг, бинони шамоллатинг, электр асбоблари ва очиқ оловдан фойдаланманг, зудлик билан шаҳар, туман газ авария-диспетчерлик хизматига қўнғироқ қилинг.

Ишонамизки, газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиб, уйингизда бахтсиз ҳодисанинг олдини оласиз.

*«ТОШВИЛОЯТГАЗ» ВИЛОЯТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ*
*Ўз абонентларига*
*1997 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАБ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ЎЗГАРГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:*
*Ҳисоб рақами 20210000200190659002 МФО 00410 Мева-Сабзавот банкнинг Қибрай бўлимида*
*ФОЙДАЛАНГАН ГАЗ УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА ҲАҚ ТЎЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.*

***«ТОШВИЛОЯТГАЗ» ВИЛОЯТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.***



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.45.